ҚҲММБ: 09/20/162/0819-сон
24.06.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 2 ” мартдаги 162–сон карорига
1-илова

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида 2017 йнл пахта ҳосилини етиштириш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ

№	Йўл қўйилган камчиликлар	Бартараф этиш тадбирлари	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	I. Фермер хўжаликларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ер майдонларини мақбуллаштириш			
1	Тумандаги 4 та сектор раҳбарлари томонидан назорат ўрнатилмаганлиги, мутасадди идоралар раҳбарларининг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида 37 та фермер хўжалиги томонидан 385 тонна кам пахта топширилиб 175 млн сўм даромад олинмай қолган. Шундан туман ҳокими секторида 16 та фермер хўжалиги 135,6 тонна, туман прокурори секторида 7 та фермер хўжалиги 86,3 тонна, туман Ички ишлар бўлими секторида 14 та фермер хўжалиги 163,3 тонна, туман солиқ инспекция секторида 1 та фермер хўжалиги томонидан 22,6 тонна пахта хом ашёси топширилмаган.	1. 2017 йилда давлатга пахта хом ашёсини сотиш бўйича контрактация шартномаларини бажармаган, ер майдонидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланган, зарар билан чиққан “қолоқ” фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳисоботини Халқ депутатлари туман Кенгашида эшитиб, келтирилган зарарни ихтиёрий қоплаш, қопланмаган қисмини мажбурий ундириш, белгиланган тартибда ер-ижара шартномасини бекор қилиб, туман ҳокимлиги захирасига олиш. 2. Туман ҳокимлиги захирасидаги ер участкаларига эгалик қилишга талабгорларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, белгиланган тартибда, ер-ижара шартномаларини тузишни ташкил этиш. Фермер хўжаликларига 2018 йил ҳосили учун пахта ва бошқа экинлар экиш ва	2018 йил март 2018 йил март	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Шуманай туман ҳокимлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

№	Йўл қўйилган камчиликлар	Бартараф этиш тадбирлари	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
		етиштириш бўйича экинларнинг адолатли жойлаштирилган режаларини тақдим этиш ва фаолият юритиш учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш.	2018 йил март	
	II. Агротехника тадбирларини ўтказиш ва ташкил этиш			
2	Туманда 451 гектар қолоқ ғўза майдонларида агротехника тадбирларини ўтказишда фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан етарлича эътибор берилмаганлиги, далаларда ишчилар учун зарур шароит яратилмаганлиги, вегетация даврида далада ишчиларнинг етишмаслиги сабабли ғўзани бегона ўтлардан тозалаш ва суғориш ишлари тўлиқ ва ўз муддатидан кечиктириб ўтказилган. Натижада, жами 385 тонна, жумладан, туман ҳокими секторида 135,6 тонна, туман прокурори секторида 86,3 тонна, туман ички ишлар бўлими секторида 163,3 тонна, туман давлат солиқ инспекция секторида 22,6 тонна пахта ҳосили йўқотилган.	1. Туманда юқори унумли ҳайдов техникалари билан икки ярусли плугларда шудгорлаш ишларини амалга ошириш. 2. Кўп йиллик бегона ўтларга уйғунлашган ҳолда кимёвий препаратлар билан қарши ишлов бериш. 3. Фермер хўжаликлари томонидан экин майдонларидан ташқаридаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларда енгил конструкцияли дала шийпонлар қуриш. 4. Фермер хўжаликлари шийпонларида ишчилар, механизаторлар ва сувчилар учун овқатланиш, ювиниш, дам олиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.	2018 йил март 2018 йил май-август 2018 йил жадвал бўйича 2018 йил март- июнь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Шуманай туман ҳокимлиги, “Ўзагросервис” АЖ, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, фермер хўжаликлари

ҚҲММБ: 09/20/162/0819-сон
24.06.2020 й.

№	Йўл қўйилган камчиликлар	Бартараф этиш тадбирлари	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
3	Туманнинг М.Абдуллаев, Дўстлик байроғи ва О.Коккозов ҳудудлари фермер хўжаликларини сув билан таъминлайдиган Бирлешик, Майли озек, Абад ва Тикозек каналлар ўзанларининг лойқа босиши натижасида уларнинг сув ўтказиш қобилияти 30-35 фоизга пасайиб, канал охирида жойлашган ҳудудларда сув таъминотида муаммолар кузатилган. Натижада 461 гектар майдондаги ғўза ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатган.	1. Марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан ирригация тизимларидаги 30 та гидротехника иншоотларини реконструкция қилиш; 2. Сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация маблағлари ҳисобидан 26,2 км ирригация тизими каналларини, 14 та насос станцияларни таъмирлаш; 3. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг ўз маблағлари ҳисобидан 169 км суғориш тармоқларини тозалаш. 4. Мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан 80 км коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш.	2018 йил тармоқ жадвали бўйича	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Шуманай туман ҳокимлиги, сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари
4	Туманда жорий йилнинг июль ва август ойларида об-ҳавонинг кескин исиб, ўртача ҳаво ҳароратининг 45-50 даражага кўтарилиши оқибатида тумандаги барча ҳудудларда ғўзанинг 3-4 та ҳосил элементлари тўкилиши кузатилиб, ҳосилдорлик 3-4 ц/га пасайганлиги оқибатида 385 тонна,жумладан туман ҳокими секторида 135,6 тонна, туман прокурори секторида 86,3 тонна, туман ички ишлар бўлими бошлиғи секторида 163,0 тонна, туман давлат солиқ	Ғўза парвариши бўйича агротехника тадбирларини ўз муддатларида сифатли амалга ошириш.	2018 йил май-август	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Шуманай туман ҳокимлиги, фермер хўжаликлари

№	Йўл қўйилган камчиликлар	Бартараф этиш тадбирлари	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	инспекцияси бошлиги секторида 22,6 тонна пахта ҳосили йўқотилган.			
5	Ғўзани балл бонитети паст (30-35), сув билан етарли таъминланмаган ва кам ҳосилли (18-20 ц/га) ер майдонларига жойлаштириш оқибатида 102 гектар майдондан ўртача 18 ц/га пахта ҳосили олинган ва ҳар гектардан 1,4 млн. сўмдан зарар кўрилган.	Туманда 2018 йил ҳосили учун балл бонитети паст бўлган 102 гектар ер майдонларига ғўзадан бошқа экинлар жумладан, 90 гектар майдонга шоли, 12 гектар майдонга сабзавот ва полиз экинларини жойлаштириш	2018 йил март	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Шуманай туман хокимлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси
	III. Фермер хўжаликларининг техника таъминотини яхшилаш, янги замонавий техника ва қишлоқ хўжалиги механизмларини харид қилиш, мавжуд техникалардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича			
6	Туманга 5 та юқори унумли ҳайдов трактори, 6та чопиқ трактори, 1 та культиватор, 1та чигит экиш сеялкаси, 1 дона ОВХ пуркагич, 2 та трактор тиркамаси етишмаганлиги, юқори унумли ҳайдов тракторларидан 8 таси жисмонан эскирганлиги сабабли чигит экиладиган 213 га майдонда шудгорлаш ишлари белгиланган муддатдан кечиктириб, сифатсиз ўтказилганлиги ҳамда 37 та фермер хўжалигида чопиқ тракторлари ва культиваторларнинг етишмаслиги	1. Тумандаги МТП ва фермер хўжаликлари балансида мавжуд техникаларини қайта хатловдан ўтказиш, жисмонан эскирганларини ҳисобдан чиқариш. 2. Туман фермер хўжаликларига юқори унумли 5 та ҳайдов трактори, 2 та омоч, 6 та чопиқ трактори, 1 та культиватор, 2 та тиркама, 1 та ОВХ пуркагич мосламаларини лизинг асосида етказиб беришни ташкил қилиш.	2018 йил I-чорак 2018 йил I-чорак	"Ўздавтехназорат" инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Шуманай туман ҳокимлиги "Ўзагролизинг" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Шуманай туман ҳокимлиги, тижорат банклари

ҚҲММБ: 09/20/162/0819-сон
24.06.2020 й.

№	Йўл қўйилган камчиликлар	Бартараф этиш тадбирлари	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	натижасида ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва озиқлантириш тадбирларини амалга оширишда қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли 385 тонна пахта ҳосили йўқотилган.			
	IV. Фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш ва ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш			
7	2017 йилнинг 15 декабрь ҳолатига кўра фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлардан қарздорлиги жами 2 млрд 138 млн сўмни, жумладан "Агрокимёҳимоя" АЖ дан 618,1 млн сўм, нефт база унитар корхоналаридан – 1382,2 млн сўм, "Агросервис МТП" МЧЖ дан – 119,3 млн сўм, электр таъминоти корхонасидан – 8,4 млн сўмни ташкил қилади.	Фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлардан мавжуд қарздорликларни камайтириш мақсадида фермерлар кесимида "Сарф-харажатлар ва ҳисоб-китоб мониторинги" ҳамда "Агротехника тадбирларини бажариш технологик картаси"нинг электрон онлайн тизимини жорий этиш орқали "Мониторинг маркази" фаолиятини янада такомиллаштириш.	2018 йил 1-чорак	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзагрокимёхимоя" АЖ, "Ўзагросервис" АЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзнефтмаҳсулот" АЖ, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Шуманай туман ҳокимлиги

№	Йўл қўйилган камчиликлар	Бартараф этиш тадбирлари	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
8	"Агробанк" АТБ Шуманай филиали томонидан пахта ҳосили етиштирувчи фермер хўжаликларига 2017 йил ҳосили учун меъёр бўйича ажратиладиган 6,058 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган бўлиб, шундан амалда 41 та фермер хўжалиги томонидан 255 млн сўм имтиёзли кредит қайтарилмаган.	Давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси томонидан ҳар бир фермер хўжалигига меъёрлар асосида маблағларни ажратилишини доимий назорат қилиш тизимини қайтадан кўриб чиқиб "огоҳлантирувчи тизим"да такомиллаштириш чораларини белгилаш.	2018 йил март	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзагрокимёхимоя" АЖ, "Ўзагросервис" АЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзнефтмаҳсулот" АЖ, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Шуманай туман ҳокимлиги